

**“ГЛОБАЛ ТЕРРОРИЗМ ВА УНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ТАЪСИРИ:
МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ТАҲЛИЛ”**

Хошимов Улугбек Мухиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий
таълимдан кейинги таълим факултети
докторанти капитан

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжайевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тезкор қидируг фаолияти” кафедраси бошлиги,
юридик фанлар доктори (PhD) подполковник

Аннотация: Уибу мақолада глобал терроризмнинг минтақавий ва глобал геосиёсий таъсири тизимили таҳлил қилинади. Террористик ҳаракатларнинг сиёсий, хавфсизлик ва халқаро муносабатларга таъсири ҳамда минтақавий низолар билан бοғлиқлиги ёритилади. Шунингдек, терроризмга қарши курашда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро интеграциянинг аҳамияти таъкидланади. Тадқиқот натижалари геосиёсий стратегияларни тақомиллаштириши зарурати ҳақида сўз юритилган.

Клит сўзлар: глобал терроризм, геосиёсий таъсир, минтақавий таҳлил, глобал хавфсизлик, минтақавий низолар.

“GLOBAL TERRORISM AND ITS GEOPOLITICAL IMPACT: A REGIONAL AND GLOBAL ANALYSIS”

Ulugbek Muhiddinovich Khoshimov, Captain,

Doctoral Student of the Postgraduate Faculty,

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the

Republic of Uzbekistan.

Rustam Nishonhojayevich Rahimkhojaev,

Lieutenant Colonel, Doctor of Legal Sciences (PhD),

Head of the Department of “Operational Search

Activity”, Academy of the Ministry of Internal Affairs

of the Republic of Uzbekistan.

Abstract: This article systematically analyzes the regional and global geopolitical impact of global terrorism. It highlights the impact of terrorist acts on political, security, and international relations, as well as their connection to regional conflicts. The importance of regional cooperation and international integration in the

fight against terrorism is also emphasized. The results of the study speak of the need to improve geopolitical strategies.

Keywords: global terrorism, geopolitical influence, regional analysis, global security, regional conflicts

«ГЛОБАЛЬНЫЙ ТЕРРОРИЗМ И ЕГО ГЕОПОЛИТИЧЕСКОЕ ВЛИЯНИЕ: РЕГИОНАЛЬНЫЙ И ГЛОБАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ»

Хошимов Улугбек Мухиддинович, капитан, аспирант факультета последипломного образования Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Рахимхожаев Рустам Нишонхожаевич, подполковник, доктор юридических наук (PhD), заведующий кафедрой «Оперативно-розыскная деятельность» Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Аннотация: В статье систематически анализируется региональное и глобальное geopolитическое воздействие глобального терроризма. Подчеркивается влияние террористических актов на политику, безопасность и международные отношения, а также их связь с региональными конфликтами. Подчёркивается важность регионального сотрудничества и международной интеграции в борьбе с терроризмом. Результаты исследования свидетельствуют о необходимости совершенствования geopolитических стратегий.

Ключевые слова: глобальный терроризм, geopolитическое влияние, региональный анализ, глобальная безопасность, региональные конфликты.

Кириш: Сўнгги йилларда глобал терроризм дунё сиёсатининг ва халқаро хавфсизлик муҳитининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бирига айланди. Террористик фаолиятнинг минтақавий чегараларни кесиб ўтиб, глобал миқёсда кенгайиши давлатлараро муносабатларнинг хусусиятини ўзгартириб, халқаро барқарорликка салбий таъсир қўрсатмоқда. Бу феномен нафақат хавфсизлик соҳаси, балки сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Терроризмнинг минтақавий ва глобал контекстдаги геосиёсий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, унинг тарқалишига қарши самарали стратегияларни ишлаб чиқиш, замонавий илмий тадқиқотлар ва амалий

сиёсат учун муҳим аҳамият касб этади. XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида терроризм ҳодисаси ўзининг анъанавий шакли — алоҳида шахсларга ёки давлатларга қарши қаратилган радикал ҳаракатлардан чиқиб, бутун инсоният цивилизациясига таҳдид соладиган кенг қамровли глобал геосиёсий муаммога айланди.

Бу жараёнда терроризм миллатчилик, сепаратизм, диний экстремизм ва мафкуравий қудрат воситаси сифатида фаол қўлланилди. Натижада, замонавий халқаро муносабатларда терроризм халқаро хавфсизликка таҳдид соловчи мураккаб ва стратегик аҳамиятга эга омил сифатида эътироф этилмоқда, бу эса сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррорист тузилмаси Глобал терроризм индекси ўзининг сўнгти 2024 йилги рейтингини эълон қилди, унга кўра террорчилик фаолияти ва террорчилик хавфи энг кўп бўлган давлатлар орасида етакчи ўринларни Буркина-Фасо (8571та терракт содир этилган), Истроил (8143 терракт содир этилган), Мали (7998 терракт), Покистон (7916 терракт), Сурия (7891 терракт) ва Афғонистон (7825 терракт) эгаллаган. Шунингдек Эрон (4,464 терракт) 26-ўрин, Туркия (4,168 терракт) – 29, АҚШ (4,141 терракт) – 30, Россия (3,016 терракт) – 35, Франция (2,647 терракт) – 38, Норвегия (1,747 терракт) – 53, Арманистон (0,423 терракт) ва Литва (0,059 терракт) – 87-ўринни[1] эгаллаган.

Хозирги кунда терроризмнинг турлари ва шакллари сиёсий терроризм, диний терроризм, этник терроризм ва кибертерроризм каби туркумларга бўлиб, ўз аҳамиятига кўра глобал терроризмни вужудга келтирди. Терроризмнинг трансмиллий хусусияти унинг глобал миқёсда тармоқланган жиноятчилик шаклига айланишига сабаб бўлмоқда.

Юридик манбаларда глобал терроризм — бу муайян бир давлат ёки минтақадан ташқарида ҳам таъсир кўрсатадиган, трансмиллий тармоқларга эга бўлган, сиёсий, диний ёки идеологик мақсадларга эришишга интиладиган зўравон ҳаракатлар мажмуаси [2] сифатида таърифланган.

Глобал терроризм борасида мутахассислардан А.И.Сасута[3] замонавий глобал терроризм субъектлар манфаатлари тўқнашуви ва ҳуқуқий-сиёсий тартиб заифлиги натижасида, айниқса геосиёсий бўшлиқлар мавжуд ҳудудларда юзага келади деб ҳисоблаган. Яна бир мутахассис Г.А.Дробот эса глобал терроризмнинг қудрати асосан исломий ёшларнинг қатъий идеологик эътиқоди ва йўналтирилмаган энергиясидан фойдаланадиган, нисбатан кам сонли шахсларнинг зарарли иродасига асосланади[4] деб ҳисоблайди.

Мисол тариқасида “ИШИД”, “Ал-Қоида”, “Боко Ҳарам”, “Ал-Шабаб” каби террористик групкалар халқаро хавфсизлик тизимини жиддий синовга солмоқда.

Улар нафақат ҳарбий ёки ҳуқуқ-тартибот органларига, балки оммавий жойлар ҳисобланган таълим муассасалари ва диний ишоотларга ҳам ҳужум қилиб, кенг миқёсли хавфли зарар етказиб келмоқда.

Глобал терроризмнинг мураккаб тузилиши, турли шакллари ва ташкилий моделлари мавжуд бўлиб, унинг асосий субъектларига суверен давлатлар, трансмиллий террористик ташкилотлар ва уларнинг гурухлари, шунингдек, мафкуравий асосда шаклланган радикал тузилмаларни киритиш мумкин. Улар турли мафкуравий, сиёсий, диний ва иқтисодий мақсадларга эришиш йўлида глобал миқёсда фаолият олиб бормоқда.

Юридик фанлар доктори А.В.Жук ўз изланишларида терроризмга қарши самарали ҳалқаро сиёsatни шакллантиришга ҳарбий-сиёсий институтлар ҳолати, давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий имкониятлари кучли таъсир кўрсатади[5] деб ҳисоблайди. Яна бир ҳуқуқшунос Нелина Оксана Владимировна ўз ишларида бугунги кунда дунёда рўй берётган ўзгаришларга, хавфсизликка ёндашувлар ўзгарганига қарамай, терроризм, хусусан, ҳалқаро терроризм тушунчасини ишлаб чиқишида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик сиёсий муаммоларга дучор бўлмоқда[6] дея мулоҳаза юритган.

Юқорида номлари қайт этилган мутахассислар А.В.Жук ва О.В.Нелиналарнинг фикр мулоҳазаларини ўринли деб қарашни лозим топамиз ва бу борада терроризм фақат сиёсий жиҳатдан эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам катта зарар келтиришини алоҳида таъкидлаб уни қўйидаги икки асосий оқибатларини алоҳида эътироф этишни лозим деб ҳисоблаймиз:

- мафкуравий курашдаги мағлубият;
- ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг заифлашуви.

Мафкуравий курашдаги мағлубиятнинг ёрқин кўрсаткичларидан бири бу айрим шахсларнинг террористик ва экстремистик гоялар таъсирига мойиллик даражасининг ортиб бораётганидир. Бундай ҳолат, ўз навбатида, жамиятда мафкуравий иммунитетнинг етарли даражада шаклланмаганлиги ва тегишли давлат идоралари ҳамда диний жамоатчилик томонидан профилактик, тушунтириш ва маърифий ишлар самарадорлигининг пастлиги билан изоҳланади. Бу эса мафкуравий кураш механизмларини қайта кўриб чиқиши, уни илмий асосланган ва самарали ёндашувлар билан бойитиш зарурлигини англатади.

Шу аснода, мафкуравий барқарорликнинг издан чиқиши нафақат ижтимоий, балки иқтисодий соҳаларда ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Жумладан, ишчи кучи ва инсон капитали салоҳиятининг террористик гурухлар таъсири остига тушиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари издан чиқади,

бу эса иқтисодиётнинг умумий заифлашуви ва барқарор ривожланиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар томонидан тайёрланган “Глобал терроризм индекси” (2024 йил) маълумотларига кўра, терроризм хавфи энг юқори бўлган давлатлар қаторига Буркина-Фасо, Исроил, Мали, Покистон, Сурия ва Афғонистон киради. Бу кўрсаткичлар ҳатто ривожланган давлатлар ҳам терроризм таҳдиидан холи эмаслигини тасдиқлайди.

Терроризмнинг глобал ва мінтақавий миқёсдаги таъсири нафақат хавфсизлик соҳасига, балки давлатлараро муносабатларга ҳам кенг таъсир кўрсатмоқда. Минтақавий даражада, айниқса, қатор минтақаларда (Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Марказий Осиё) терроризм иқтисодий барқарорликни бузмоқда, ички сиёсий тартибсизликларга сабаб бўлиб ва давлатларнинг суверенитетига таҳдид солмоқда.

Глобал терроризм индекси (ГТИ) дунё аҳолисининг 99,7 фоизини қамраб олган 163 мамлакатда терроризмнинг тасирини таҳлил қилувчи кенг қамровли тадқиқот ўтказиб, терроризм оқибатидаги ўлим ҳолатлари 22 фоизга ошиб, 8352 нафарга етганлигини, бу 2017-йилдан бери энг юқори кўрсаткич[7] эканлигини таъкидлайди.

Терроризмга оид мутахассислар фикрига кўра, замонавий халқаро терроризмнинг тарқалиши ҳуқуқий-сиёсий тартиб заифлиги ва қатъий диний-мафкуравий эътиқодга эга шахслар фаолияти билан боғлиқ. Террористик ташкилотлар илғор технологиялар, мураккаб тактикалар ва кенг ресурслардан фойдаланган ҳолда ўз мақсадларига эришишга интилади.

Терроризм ҳодисаси кўп қиррали ижтимоий-сиёсий муаммо бўлиб, уни ўрганишда ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-психологик ва тарихий ёндашувлар кўлланилиши зарур. Бу эса терроризмга қарши самарали ва тизимли курашнинг асоси саналади.

Глобал миқёсда эса, терроризм халқаро ҳуқук ва давлатлараро муносабатларга сингиб, геосиёсий кучлар балансини ўзгартиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқи терроризмга қарши курашни ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, бу эса уларнинг Яқин Шарқ ва Афғонистондаги ҳарбий интервенцияларига сабаб бўлди. Бундай чоралар геосиёсий муносабатлардаги низоларни кучайтириб, айрим давлатларнинг ташқи сиёсатини қайта шакллантиришга мажбур қиласади.

Глобал терроризмнинг салбий ижтимоий оқибатлари қаторида аҳоли орасида беқарорлик ва қўрқув муҳитининг кучайиши, диний ва этник зиддиятларнинг авж олиши; иқтисодий оқибатлар қаторида эса инвесторлар

ишончининг пасайиши, туризм соҳасига зарар етказилиши ва давлат бюджетининг қисқариши каби ҳолатларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Терроризмга қарши курашда миллий ва халқаро қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида[8]”ги қонуни ва “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси[9]” шу борада устувор вазифаларни белгилайди.

“2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси” ишлаб чиқилиб унга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёsatни олиб бориб, экстремизм ва терроризмнинг умумий таҳдидларига қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очик[10] эканлиги кўзда тутилган.

Халқаро ҳамжамият, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти терроризмга қарши комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Ҳарбий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий усуслар билан бирга, маърифий ва маънавий кураш ҳам ўз ўрнига эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш бошқармаси (УНОСТ) 2017 йил 15 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг 71/291-сонли резолюциясини қабул қилиш орқали ташкил этилган. Унга кўра УНОСТ нинг бешта асосий вазифаларни бажаради[11]:

- Бош Ассамблеяning терроризмга қарши кураш мандатлари бўйича раҳбарликни таъминлаш;
- терроризмга қарши кураш бўйича Глобал мувофиқлаштириш келишуви субъектлари боййлаб мувофиқлаштириш ва уйғунликни кучайтириш;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзо давлатларга терроризмга қарши кураш салоҳиятини ошириш бўйича ёрдамини етказиб беришни кучайтириш;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши ҳаракатлари учун кўриниш, тарғибот ва ресурсларни сафарбар қилишни яхшилаш;
- БМТ тизимида терроризмга қарши кураш ва зўравонлик экстремизмини олдини олиш стратегиялари устувор аҳамиятга эга бўлиши.

Бундан ташқари халқаро терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши глобал стратегияси”[12], “БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2341-сонли резолюцияси (2017)”[13] ҳамда “Хавфсизлик Кенгаши матни”[14] ҳамда

терроризмнинг замонавий кўринишларига қарши курашиш борасида [15] бир қатор нормалар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижро этилиши ва амал қилиш доираси маълум талаблар асосида чекланган. Халқаро ҳамкорлик борасидаги норматив ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, терроризмга қарши курашишда мукаммал ва яқдил ёндашувга асосланган кенг қамровли норматив хуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Шу билан бирга, глобал терроризм хавфини камайтириш учун диний ва маданий дипломатия йўналишида ҳам саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши зарур. Терроризмга қарши маънавий кураш, ёшлар ўртасида радикал ғояларни олдини олиш ва ижтимоий интеграцияни мустаҳкамлаш бу жараённинг ажралмас қисми саналади

Глобал терроризмга қарши курашиш борасида терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир қилиб яшириниб юрган шахсларни халқаро миқёсда қўлга олиш ва жазолаш тизимини такомиллаштириш, давлатлар ўртасида разведка маълумотларини ўзаро алмашиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасидаги хавфсизлик хизматлари ҳамкорлигини кенгайтириш ва замонавий технологиялардан фойдаланишини кучайтариш лозим деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий актигеррорист тузилмаси “Глобал терроризм индекси” // https://ecrats.org/ru/archive/facts_of_terrorism/12361/.
- 2) Глобальный индекс терроризма. Журнал “Википедия”. 2023 // https://ru.wikipedia.org/wiki/Глобальный_индекс_терроризма.
- 3) А.И.Сасута “Международный терроризм в условиях глобализации” // [https://cyberleninka.ru/article/n/mezhnarodnyy-terrorizm-v-usloviyah-globalizatsii](https://cyberleninka.ru/article/n/mezhunarodnyy-terrorizm-v-usloviyah-globalizatsii).
- 4) Г.А.Дробот “Международный терроризм как объект изучения” // <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhnarodnyy-terrorizm-kak-obekt-izucheniya>
- 5) А.В. Жук “Борьба с терроризмом, как глобальная проблема современности” диссертация иши Москва, 2002 // <http://www.dslib.net/glob-razvitie/borba-s-terrorizmom-kak-globalnaja-problema-sovremenosti.html>.
- 6) О.В.Нелина “Проблемы и перспективы борьбы с угрозой терроризма в западном полушарии” диссертация иши. Москва, 2010 // <http://www.dslib.net/glob-razvitie/problemy-i-perspektivy-borby-s-ugrozoj-terrizona-v-zapadnom-polus'harii.html>.
- 7) Глобал Терроризм Индекси // <https://www.visionofhumanity.org/maps/global-terrorism-index/#/>

- 8) И.В.Никулина “Проблемы глобального терроризма в дискурсе СМИ: социологический анализ” // <https://www.dissercat.com/content/problemy-globalnogo-terrorizma-v-diskurse-smi-sotsiologicheskii-analiz>
- 9) Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ти қонуни, №2000 // <https://lex.uz/docs/29526> .
- 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг №6255-сон фармони “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”. 2021 й.// <https://lex.uz/ru/docs/5491626>.
- 11) БМТ // <https://www.un.org/counterterrorism/about>
- 12) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши Глобал Стратегиясининг 8-шархи // <https://docs.un.org/en/A/RES/77/298>
- 13) БМТ Хафвсизлик Кенгашининг 2341-сонли резолюцияси (2017) // [https://docs.un.org/ru/S/RES/2370\(2017\)](https://docs.un.org/ru/S/RES/2370(2017)).
- 14) Хафвсизлик Кенгаши матни “Писмо Председателя Комитета Совета Безопасности, учрежденного резолюсией 1373 (2001) о борьбе с терроризмом, от 15 декабря 2015 года на имя Председателя Совета Безопасности // <https://docs.un.org/ru/S/2015/939>.
- 15) The Convention on Cybercrime (Budapest Convention, ETS No. 185) // <https://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention>.